

Tasodifiy kashfiyotlarni faqat aqli yetilganlargina ochadi.

Blez PASKAL



Ma'rifat

Nurota tumanida yangi qishloq xo'jaligi kasb-hunar kolleji qurilib, foydalanishga topshirildi. 900 o'rinli mazkur bilim maskanida yoshlar zootexnik, veterinar, fermer, iqtisodchi kabi muta-xassisliklarga ega bo'ladilar.

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIVONILARI GAZETASI \* 1931-yildan chiqq boshlagan 2003-yil 5-noyabr, chorshanba № 89 (7594)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 3 noyabr kuni Oqsaroyda Ukraina tashqi ishlar vaziri Konstantin Grishchenko qabul qildi. Shuningdek, 3 noyabr kuni AQShning Strategik va xalqaro tadqiqotlar markazi konsultanti, AQSh Prezidentining milliy xavfsizlik masalalari bo'yicha sobiq maslahatchisi Zbignev Bjezinskiy ham O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov tomonidan qabul qilindi.

UCHRASHUV

Mamlakatimizga rasmiy tashrif buyurgan Ukraina tashqi ishlar vaziri Konstantin Grishchenko O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi raisi Erkin Xalilov va O'zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vaziri Sodiq Safoevlar bilan uchrashdi.

YAPONIYADA ALISHER NAVOIY HAYKALI O'Rnatiladi

Tokio madaniyat va san'at universiteti sa'y-harakati bilan shu o'quv yurti hududida she'riyat mulkining sultoni, buyuk mutafakkir Alisher Navoiyning haykali o'rnatiladigan bo'ldi. Ulug' vatandoshimizning slymosini yaratish Moskvada o'rnatilgan Alisher Navoiy haykali ijodkori, iste'dodli haykaltarosh Ravshan Mirtojev zimmasiga topshirildi.

(Davomi 2-betda)



Камши туманидаги "Фаллакор" жамоа ширкат хўжалигида янги илм маскани — мактаб қад ростлади. Унинг ён-атрофи хали унчалик ободлаштирилмаган бўлса-да, бино диққат-эътиборни ўзига жалб этади. Чунки ҳозирги кунда замонавий кўринишдаги мактаблар сони юртимизда кундан-кунга кўпаймоқда. Ушбу 320-ўринли мактаб "Шўртангаз" мажмуаси ҳомийлигида қуриб битказилди. Қашқадарё вилояти "Нефтьгаз қурилиш" ОХЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Мактаб синфхоналари янги парта, стол-стуллар билан жиҳозланиб, компьютер ва лингофон хоналари ташкил этилди. Бундан ташқари мактаб ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шугулланишлари учун барча қулайликларга эга спорт зали ва ошхона ҳам фойдаланишга топширилди.

Саховатли ҳомийлар ва моҳир уста-қурувчилардан хўжалик ахли ва мактаб жамоаси миннатдор, — дейди мактаб директори Хурсан Очилова. — Эндиги мақсад — ана шу замонавий бинога ҳамоҳанг тарзда яхши таълим-тарбияни йўлга қўйиш. Фарзандларимизга чуқур билим беришдир. Ўқувчиларимизнинг ҳам ана шундай эътиборга муносиб фақат аёло баҳоларда ўқишларини истаб қоламиз.

Суратда: янги мактабнинг ташқи кўриниши.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ТАЗЕТАНИ БАРАҚЛАТАНДА:

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАГАН БИТИМ

2-бет

«КЎНГИЛ ДАРЁСИНING ГАВҲАРИ ТИЛДИР»...

3-бет

МУСТАҚИЛЛИК — УЛУФ НЕЪМАТ

4-бет

«ОЛАМ ХАЁЛ БИЛАН ҚОИМДИР»

5-бет

БОҒЧА ОПАНИНГ КИТОБИ БОРМИ?

6-бет

МУБОРАҚ РАМАЗОН ТУҲФАСИ

(ЧАЙВОРД)

8-бет

СУВ — ТАБИАТНИНГ НОДИР БОЙЛИГИ

демак, ундан оқилона фойдаланиш зарур

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат аҳамиятига молик яна бир қарори матбуотда эълон қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги бу ҳукумат ҳужжатида таъкидланадики, юртимизда илмий-ижодий тафаккурнинг пайдо бўлиши олис ўтмишга бориб тақалади. Бугунги олимлар эса ана шу аъналарнинг давомчиларидир.

Республика Фанлар академияси тасарруфидagi илмий тадқиқот институтларида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш билан боғ-

лик изланишлар олиб борилмоқда. Узлуксиз таълим тизимидаги ҳал қилувчи босқичлардан бири фан, ишлаб чиқариш эканлигини ҳисобга олсак, бундай муассасаларнинг ўрни ва аҳамияти яна ҳам ойдинлашади. Сув муаммолари институти ана шундай даргоҳлардан бири. Номидан ҳам кўриниб турибдики, институт инсоннинг энг зарурий эhtiёжи — сув билан боғлиқ муаммолар устида шугулланади, тадқиқ этади ва ечимлар тақлиф қилади.

Мухбиримиз институт директори, техника фанлари доктори, профессор Эрнар Маҳмудов билан учрашиб, олиб борилган илмий тадқиқотлар хусусида сўхбатлашди.

Инсоният ўз ижтимоий тараққиётининг бугунги кунига келиб, ақл-заковат ёки ижод маҳсули бўлган гоя ҳам мулк эканлигини аниқ ва равшан белгилаб олди. Интеллектуал мулк дея аталдиган бойлик соҳибни ўз иқтидори, ақл-заковати билан буюк ижод намуналарини, ихтироларни яратадигани, бу ўз навбатида инсоният ва жамият тараққиётини таъминловчи асосий бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас», деган эди. Бу теран фикр, ҳаётий мантиқ мамлакатимизда иқтидорли ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг таълим-тарбиясига берилётган эътиборда ўз ифодасини топмок-

да. Олдиндан қилинган бу баҳоратнинг яқин орада ҳақиқатга айланмоғи муқаррар. Бу ишонч Ўзбекистон келажигининг буюклигига бўлган ишонч билан уйғунлашиб кетади.

Ўзбекистон халқ таълими тизимида иқтидорли болаларни излаш, танлаш ва уларга таълим-тарбия бериш муаммолари изчиллик билан ҳал этилмоқда. Иқтидорли болалар таҳсил олиши учун Республика Халқ таълими вазирига тақдимнома 4 та, вилоятларда 300 дан ортиқ ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари фаолият

рилган кўпжаб синфлар ҳам ташкил этилган. Умуман олганда, иқтидорли болаларни танлаш ва уларга таълим-тарбия бериш ишларини мақсадли, тизимли амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Лекин шу ўринда баъзи мулоҳазага чорловчи саволлар туғилади. Хўш, «Ихтисослаштирилган мактаб ва синфларда ўқитиш мазмуни, ўқув дастурлари ва дарсликларни талабга жавоб берадими?», «Уларда иқтидорли ўқувчининг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятлари инобатга олинганми?» каби саволларга ижобий жавоб олиш мушкул.

(Давоми 3-бетда)

ИҚТИДОРЛИЛАР ҚАНДАЙ САРАЛанаДИ?

омил ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбари ижобий «портлаш эффекти» тўғрисида гапиратириб: «Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзга чиқиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар қил қилиб қолган эски тушушча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги,

да. Олдиндан қилинган бу баҳоратнинг яқин орада ҳақиқатга айланмоғи муқаррар. Бу ишонч Ўзбекистон келажигининг буюклигига бўлган ишонч билан уйғунлашиб кетади.

Ўзбекистон халқ таълими тизимида иқтидорли болаларни излаш, танлаш ва уларга таълим-тарбия бериш муаммолари изчиллик билан ҳал этилмоқда. Иқтидорли болалар таҳсил олиши учун Республика Халқ таълими вазирига тақдимнома 4 та, вилоятларда 300 дан ортиқ ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари фаолият

— Институти-тимиз 1991 йил-нинг 20 июлида Ўзбекистон Рес-публикаси Вази-рлар Маҳкамаси-нинг 195-сонли қарори асосида ташкил этилди. Ўтган давр мобай-лида асосий диққат-эътиборимиз су-в муаммоларига бағишланган чуқур фунда-ментал тадқиқотларни олиб боришга қаратилди. Орол ден-гизи хавзасидаги экологик вази-ятнинг кескинлашуви шароитида су-в ресурсларини ҳимоя қилиш ва ундан оқилона фойдаланишнинг ил-мий асосларини яратиш доимий вази-фамиздир.

Табиатнинг энг нодир бойлиги сувдан оқилона фойдаланишга ин-

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining 60 yilligi oldidan

соният ҳамиша ҳам эътибор беравермайди. Шу босис у билан боғлиқ муаммолар вужудга келиб туради. Институти-тимиз олимлари ана шу масалаларни синчковлик билан ўрганиб, уларнинг ечимларини тақдим этмоқда.

МАТБУОТСЕВАР МАКТАБ

Тафаккур дунёсининг ривожига матбуотнинг ўрни бекиёс катта. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг Окўргон қишлоғида жойлашган Хамид Алламуродов номидаги 4-мактабда бу фикрга алоҳида ўрғу беришади.

Мактаб биносининг ичкари қисмига кирганингиз ҳамона мактаб залидаги «Бизнинг матбуот» деб номланган бурчак диққатингизни ўзига тортади. Мактабдаги мавжуд 23 та синфнинг барча-барчасини ўз деворий газетаси борлиги қизиқшингизни янада оширади.

— Мактабимизда ўқув йили давомида икки марта деворий газеталаримиз танлови ўтказиш одат тусига

кирган, — дейди мактаб директори Қизилсарара Ўтаева. — Деворий газеталар танловида газеталарнинг мунтазам чиқарилишига, мазмундорлигига, ошқоралик тамойилларига, безатилишига эътибор қаратамиз. Биласимиз, мактабимизда деворий газеталар танлови ҳамини қизгин баҳс ва тортишувлар остида ўтади. Танлов якунида голиблар, албатта, рағбатлантирилади...

— Мактабимизда маҳаллий ва республика матбуот нашрларига муносабат қандай? Уларни ҳам ўқийсизларми? — сўраймиз директор опадан.

— Мактанаяпти деманг, — дейди Қизилсарара Ўтаева, — мактабимиз обуна масаласида ҳамини илғор. Жамоамиз аъзолари жорий йилда ҳам туман ва вилоят газеталаридан ташқари республикамиз миқёсида чоп этилаётган «Маърифат», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Учитель Ўзбекистани», «Правда Востока», «Тур-

кистон», «Спорт», «Тафаккур», «Бошланғич таълим» каби газета ва журналларни сонма-сон олиб туришибди. Ўқувчиларимиз 87 та «Гунаҳ», 37 та «Гулхан», 65 та «Синфдош», 13 та «Тонг юлдузи» каби нашрларни олиб ўқишапти. Ҳафтада бир кун «Маърифат» саҳифаларида» деб номланган 15 дақиқалик «Маърифат» газетамизнинг ҳафталик шарҳини ҳам йўлга қўйганми...

Мактаб жамоаси ўзаро келишиб, ноябрь ойини «Обуна ойлиги» деб эълон қилишибди. Жамоада, ҳар бир синфда матбуотсевар фаоллар томонидан ташвиқот ва тарғибот ишлари бошлаб юборилган.

— Насиб бўлса, бу йилги обуначиларимиз ўтган йилгидан кўра кўпроқ бўлади, — дейди Қизилсарара Ўтаева. — Негаки, илм масканимизда вақтли матбуот нашрларига обуна йилдан-йилга ўсмоқда. Гап шундаки, матбуот хаммага керак. Таълим-тарбия муассасаларига эса жуда...

Абдували ОБИДДИН, «Ma'rifat»нинг махсус муҳбири



Обуна мавсумининг авж палласи. Барча даврий нашрлар ходимлари кейинги йил учун ҳозирлик кўрмоқдалар. Газетамиз учун нафақат тахририят ходимлари, балки унинг муассасалари ҳам доим жон қойитишади. Бу борада Халқ таълими вазири «Маърифат» газетаси кунларини жойларда ўтказиш тўғрисида буйруққа ҳам

«БИЗНИНГ АСОСИЙ ГАЗЕТАМИЗ»

муштарийлар «Ma'rifat» ҳақида шундай илиқ фикрлар билдиришди

имзо чекди. Унга асосан тахририят ходимлари вилоят мактаблари-га бориб, муаллимлар билан учрашиб, уларни қизиқтираётган мавзуларни аниқлаб келишди. ўз ижодий режаларини тузишди.

Шундай учрашувлардан бири Самарқанд шаҳридаги 45-мактабда бўлиб ўтди. Мазкур таълим маскани кутубхоначилиқ ишлари бўйича шаҳарнинг бош мактаби экан. Куйида ушбу мактаб ўқувчиларининг газета

моллар бериб борилса, бизга кўмак бўларди; — Илғари тарих, тил ва ҳоказо барча фанлар бўйича серияли китобчалар, рисоалар ёки журналлар чиқарилади. Ҳар бир ўқувчи ўз фанига хос янгиликларни ўқиб-ўрганиб боради. Агар газета тахририятнинг имконияти бўлса, ана шу яхши тахририят давом эттирсин; — Газетада тарих, адабиёт каби фанларга кенг ўрин берилмоқда. Биологиядан ҳам

янгича дарс ишланмалари, қизиқарли маълумотлар бериб борилса; — Сўхбат кунинда мактаб директори Ирина Афанасьева ўзбек тилида раво қилиб, ўз ўқувчиларига ширин тилак билдирди; — «Маърифат» газетаси биз — маорифчиларнинг асосий газетамиз. Бизнинг битта камчилигимиз бор. Ўз фикрларимизни газета тахририятига ёзмаймиз. Яхши тажрибаларимизни ёзишимиз керак. Айни пайтда бизга жуда кўп методик ёрдам зарур. Шу ўринда мазкур газета қисман бўлса-да, бизнинг эhtiёжини қопламоқда.

Самарқанд туманидаги Шўрбойи қишлоғида жойлашган 40-мактаб ўқувчилари жамоаси билан бўлган учрашувда ҳам тақлиф-мулохазалар кўп бўлди. Уларнинг айримлари қуйидагилар: — дарсликлар ҳақида ўқувчиларнинг фикрлари кўпроқ бериб борилса. Уларнинг фикрларини ўқиган дарсликлар муаллимлари тегишли хулосалар чиқариб олишарди; — ўқитувчиларнинг ижод-

ларидан кўпроқ бериб борилса; — Тожиқ тилида адабиётлар жуда кам. Агар ўзбек тилида қилишга тегишли идораларнинг қуввати етма-са, биз — муаллимлардан фойдаланишимиз. Ҳар биримизга бир бобдан бўлиб беришса, ба-жонидил бу ишга ёрдам берамиз; — ўқитувчилар аттестаци-

яси бўйича материаллар бериб борилса; — газетада мактаб саҳнаси учун алоҳида рўн ташкил этилган, уни давом эттирасизлар, деган умиддамиз. Негаки, биз турли байрамларда газетадаги сценарийлардан фойдаланамиз.

Учрашувлар қизиқарли, саволларга, тақлиф-мулохазаларга бой бўлди. Шу ўринда бир мулоҳаза. Тахририят ходимларининг барча мактабларга боришига имкониятлари йўқ. Азиз ўқувчи! Газетада ана қандай мавзуларни ўқини хоҳлайсиз?

Тақлифингизни ёзиб юборинг!

Х.АБДУЛЛАЕВ, Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



«Ma'rifat» tanlovi



Аънанавий танловимизнинг октябрь ойи якунлари чиқарилди. «Энг яхши саҳифа» йўналишида энг кўп — 5 та номзод кўрсатилган. Омонулла Файзуллаев томонидан тайёрланган «Илмий-тарихий шажаралар» саҳифаси (11 октябрь) энг кўп овозга эга бўлди.

БИЗГА ЁЗИНГ, ГОЛИБ БЎЛАСИЗ!

«Энг яхши мақола» сифатида танлов ҳайъати аъзолари 4 та мақолани кўрсатишган. Абдурозик Рафиевнинг «Қиличтек тил билан туттум ҳажонни» мақоласи (22 октябрь) октябрь ойида эълон қилинган энг яхши мақола сифатида эътироф этилди.

«Энг яхши интервьё» йўналишида бу сафар «Меҳмонхона» саҳифасида ёритилган суҳбатлар голиб бўла олмади. Тадиқотчи Гулсум Хўжамшукорова билан Термиз давлат университети профессори Қудрат Жўраевнинг «Илм-ун нуҷум IX-X асрлардан бизга қадар етиб келган янги топилма» сарлавҳасида эълон қилинган суҳбати (8 октябрь) энг кўп овоз олди.

«Энг яхши янгилик» сифатида 3 та янгилик эътироф этилиб, «Бухорода туриб Францияда ўқийсиз» (22 октябрь) энг кўп овозга эга бўлди. Муаллиф — Эркин Эдгоров.

«Энг яхши фотосурат» — Нўмонжон Мўхаммаджоновнинг «Музейида ўтилатган дарслар» лавҳаси (18 октябрь).

Шунингдек, «Дафтар юзи афишалар тахтасими?» (О.Очилова), «Санъат безор тарбиячи» (К.Абдурахмонов), «Хориқлар ўзбек тилида баҳсланиши» (А.Норкулов) мақола, суҳбат, хабарлари ҳам голиблик асосий даъвогарлардан бўлди.

Ҳамкорларимиз, голибларимиз сафи янада кенгайтириш тарафдоримиз. Бизга ёзинг, голиб бўласиз! Голибларни эса чин дилдан қутлаймиз!



ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАГАН БИТИМ

Сир эмаски, бугун ёшларимиз орасида чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, жаҳонга юз тутаётган давлатимизнинг дунё халқлари орасида ўз оғузи эътиборига эга бўлиши, улар билан тенгма-тенг ўзаро муносабатга киришишида бу муҳим омил. Шу боис ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллардан республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда АҚШнинг Тинчлик корпуси ўртасида имзоланган шартномаларнинг аҳамияти катта. Мазкур битимга кўра 1992 йилдан буён АҚШнинг Тинчлик корпуси кўнгилли ўқитувчилари юртимизнинг барча таълим бўғинларида фаолият кўрсатишга даъват бўлиб, инглиз тилини ўргатиш дастури асосида умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим муассасалари толиби илмларига инглиз тилини, бошланғич синфлардан бошлаб эса иқтисодиёт асослари, компьютер техникасини бошқаришни ўргатиш билан биргаликда Америка халқининг ҳаёти ва маданияти билан ҳам яқиндан таништириб бормоқдалар. Бу эса ёшларимизнинг, энг аввало, дунё халқлари тарихи, маданияти ва илм-фан ютуқларини ўрганишга, улардан юртимиз тараққиётини таъминлашда фойдаланишларига имкон бермоқда.

Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси директори Грегори Фредрик ўртасида имзоланган келишув аҳдомаси айни таълим тизимидаги ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга қаратилган бўлиб, у томонлар ўртасидаги

публикаимизнинг шаҳар мактаблари билан бир қаторда чекка-чекка туман ва қишлоқлардаги билим ўчоқларида таҳсил олаётган қанчадан қанча ўил-қизларимизга сабоқ бердилар. Бу сабоқнинг қиёси йўқ.

қаларига АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси директори Грегори Фредрик ҳам тўхташар экан, икки мамлакат ўртасидаги тенг шериклик алоқалари бундан кейин ҳам давом этажанига умид билдирди. Ва шартномаларнинг имзоланиши билан жорий ўқув йилида 47 нафар Тинчлик корпуси кўнгилли ўқитувчилари республика умумтаълим мактабларида ўз фаолиятларини бошлашлари учун қасамд қилдирилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилган кўнгилли ўқитувчиларнинг қасамд қабул қилиш маросими ҳам ўзига хос тантанали руҳда кечди. Икки давлат мадҳияси ижроси билан бошланган маросим барчани қалқитди. Зотан, фарзандлар қамоли учун қайғуриш умумийлиги тушунча, энг эзу юмушдир. Бу ишга ўзини бағишлаган инсонлар эса фидойий бўлмоғи лозим. Анжуманда сўзга чиққанлар томонидан ушбу фикрлар бот-бот такрорланди. Шундан сўнг, Ўзбекистоннинг чекка туман ва шаҳарларида ўз меҳнат фаолиятларини бошлашга шай кўнгиллилар фидокорона меҳнат қилиши, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий ўқитувчи бўлиш учун тантанали қасамд қабул қилдилар.

Баҳоқдор ЖОВЛИЕВ, «Ma'rifat» муҳбири

Суратда: тантанадан лавҳа. А.БЕЗРУЧКО олган сурат.

Ta'limda xalqaro hamkorlik



Ўзаро дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлади. Ўйламанки, кўнгилли ўқитувчиларнинг юртимиздаги фаолияти уларга ҳам ибрат мактаби бўлади. Зеро, улар ўтган вақт мобайнида қадим халқимиз тарихи, маданияти билан олашдилар. Бу эса ҳар икки давлат, халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига омил бўлади.

Ўзбекистон—АҚШ давлатларининг таълим тизимидаги ўзаро ало-

Tanlov

Самарқанд давлат университети раҳбарияти ташаббуси билан вилоятда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ўртасида математика, информатика, физика, кимё ва биология фанлари бўйича «Илминг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилди.

Аниқ ва табиий фанлар бўйича ил-

ридан 95 нафар ўқитувчи сўнгги босқичда иштирок этди.

Танловни ўтказиш давомида нафақат халқаро олимпиадалар ўтказилган, балки барча фанлар йўналишлари бўйича таянч мактаблар ташкил этиш лозимлиги аниқланди ва бугунги кунга келиб вилоят халқ таълими тизимида 27 та шундай таянч мактаблари ташкил этилди.

Хуллас, танлов натижалари куйидاغича якун топди. Математика фани бўйича биринчилиكنи СамДУ акаде-

Пойтахтимиздаги Тошкент темир йўл муҳандислари институтини қўшиб академик лицейда «Ёшлар ва низолар ечимини» мавзусида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш дастури асосида икки кўнклик семинар бўлиб ўтди.

Ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида турли хил низоли вазиятларга тушиб қолиши мумкин. Бундай вазиятлар инсоннинг бутун ҳаёти давомида содир бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлиб, ҳеч бир одам улардан ҳимояланганман, деб айта олмайди. Демак, низолар табиий ҳол бўлганлиги сабаб, уни ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш ҳам шунчалик муҳимдир.

Аммо афсуски, кўпчилик ҳолларда низолардан қандай ҳимояланиш лозим, уларнинг табиати қандай, бундай вазиятларда инсонлар ўзларини қандай тутиши керак, умуман низоли жараёнларда инсон ҳаракатлари қандай бўлиши керак ҳам масалаларга биз ҳар доим ҳам аниқ ва тўлақонли жавоб топа олмаймиз. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида катта кичик низолар билан тўқнаш келганлиги сабабли, уларнинг моҳияти ҳақида ёш авлодга кенг билимлар бериш доимо долзарб бўлиб қолади. Шу боис Тошкент шаҳар УМКХТ бошқармаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежла-

ри ўқувчи-ёшлари иштирокида «Ёшлар ва низолар ечимини» мавзусида икки кўнклик семинар ўтказилди. Мазкур семинардан кўзланган мақсад-низолар ечимини бўйича энг зamonaviy билимлар ва малакаларни ёшларга интерфаол услублар асосида сингдириш ҳамда уларда мустақил ҳаёт кўникмаларини тарбиялаш эди.

Ёшларга ҳаётини низолар бўйича кенг назарий ва амалий билимлар бериш орқали

Tadbir

мон эса мағлуб бўлишига ишонамиз. Аммо низолар назарисини бундай вазиятларда барча иштирокчи томонлар голиб бўлиши мумкин, деб ўргатади. Шундай экан, семинар ёш, энди мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларимизга низоли вазиятларда доимо голиб бўлиш малакаларини интерфаол йўллар орқали сингдиради.

Семинар моҳиятан интерфаол методика асосига қурилиб, унда заковат ҳужуми, музёраб, гуруҳларда ишлаш, ролларда иштирок этиш, мини-маъруза ва бошқа усуллар кенг қўлланилди.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, мазкур семинар АК-СЕЛС ташкилотининг Маҳаллий ташаббускорлар дастури гранти асосида амалга оширилди. Ёшларимизнинг изланишга, ташаббускорликка чорловчи бундай семинарлар пойтахтимиздаги 6 та УМКХТ муассасасида босқичма-босқич ўтказилди. ТТЙМ қoшшавига академик лицейда бошланган ана шундай амалий семинарлар яқин кунларда Тошкент давлат юридик институтини қoшшавига академик лицей, Тошкент педагогика, Юнусобод радиотехника касб-хунар коллежларида ҳам ўтказилди.

Нурлан УСМОНОВ

ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИ

гор, ташаббускор ва фаол ўқитувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш, фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда вилоят ўқувчиларининг фаол қатнашишини таъминлаш танловнинг мақсадлари сифатида белгиланган. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, таълим жараёнига илгор педагогик технологияларни олиб киришни жадаллаштириш, миллий мафзурани шакллантиришда фаол қатнашаётган ўқитувчиларнинг илгор иш тажрибаларини ўрганиш ва омаллаштириш ишларига кўрик-танлов ўзига хос хисса қўшади.

Танлов уч босқичда ўтказилиб, дастлабки босқичлардан муваффақиятли ўтган вилоят таълим муассасала-

мик лицейи ўқитувчиси Умаркул Носиров эгаллаган бўлса, физика фани бўйича энг яхши ўқитувчи деб Тимирйўл туманидаги 66-мактаб ўқитувчиси Малочаев Уринбоева топилди. Кимё бўйича биринчи ўрин ҳам университет академик лицейи ўқитувчиси Зойир Эшонкуловга насиб этди. Биология фани бўйича биринчилиكنи Жомбой туманидаги 41- мактаб ўқитувчиси Гулистон Жуманова қўлга киритган бўлса, информатика фани бўйича вилоятда энг илгор муаллими сифатида Темирйўл туманидаги 42- мактаб ўқитувчиси Елена Шегай эътироф этилди.

Х.ХУДОЙНАЗАРОВ, СамДУ проректори

ЁШЛАР ВА НИЗОЛАР ЕЧИМИ

уларнинг жамиятда тўлақонли фуқаро сифатида иштироки учун замин яратиш, бошқа инсонлар билан турли ижтимоий, иқтисодий, маънавий-руҳий, психологик мулоқотларидан улар онги ва ахлоқда камтарлик, меҳрибонлик, ҳалоллик, тўғрисиқлик, самийлик, виждонлилик, бағрикенглик каби хислатларни тарбиялаш семинар вазифаси этиб белгиланди.

— Инсон ҳаёти давомида маълум бир тартиб-қоидаларга муайян даражада бўйсуниб

қонун-қоидалари мавжуд. Мана шундай қонун-қоидаларни билмаслик ёки уларни тан олмаслик оқибатида аксарият низолар йиллаб давом этади, баъзи ҳолларда эса умуман ечиммайди. Шу боис томонларни маънавий инқирозга олиб келади. Мазкур семинар ёшларимизга низоли қандай қилиб ижобий ҳал қилиш ҳамда турли хил бузғунчиликка йўл қўймайлик йўлларини ўргатади.

Ҳа, одатда биз низоларда бир томон голиб, иккинчи то-

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

Кейинги йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежларида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Чунончи, Турақургон қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежида «Иқтидорли талабалар билан ишлаш» маркази ташкил этилган бўлиб, унга коллежнинг энг билимдон, зукко, истеъдодли, турли соҳалар бўйича иқтидорли юксак ўқувчилар жалб этилмоқда. Марказда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини устириш, чуқур билим олиш ва қобилиятларини ривожлантиришга, уларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, фан олимпиадалари ва билимдонлар мусобақаларига тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Янги ўқув йилидан бошлаб коллеж жамоаси янги ташаббус билан чиқиб, бир гуруҳ аълочи, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган иқтидорли ўқувчиларни коллежнинг махсус stipendiyasi билан таъминлашга қарор қилди. Стипендия олувчиларнинг номзоди ҳар олти ойда

стипендия ҳайъати томонидан тавсия этиб борилиши аълочилар сифатини кенгайтиришга имкон яратиш, таълим-тарбия ишларининг яхши-ланишига таъсир этмоқда.

Бу ташаббус бошқа ҳомийлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Наманган муҳандислик-педагогика институтини маъмурияти коллежнинг ўқувчиларига ўз stipendiyasi тавсия этди. Коллежнинг «Молия» бўлими 2-босқич ўқувчиси Баҳром Ҳафизов бу имкониятдан илқ бор фойдаланадиган бўлди.

Коллеж жамоаси ана шундай ташаббусни тобора ривожлантирмоқда. Стипендиялар сони ва миқдорини янада ошириш, вилоят ташкилотлари, бошқармала-

ри, идора ва корхоналарнинг stipendiyalarini, илгор фермер, тадбиркорларнинг шахсий stipendiyalarini коллеж ўқувчиларига жорий этиш режалари тузилмоқда.

Хусайн ШАҒИАХМЕДОВ, коллежнинг илмий-услубий ишлар бўйича директор ўринбосари

Суратда: иқтидорли ўқувчи, НМПИ stipendiyasi соҳибни Баҳром Ҳафизов устози Фаҳриддин Уринов ёрдамида компьютер сирларини узлаштирмоқда.



Ma'rifat MASPAХАТХОНАСИ

Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси А.Машариповдан

Савол: Мен Тошкент Давлат техника университетининг «Автоматика ва техник системаларда бошқариш факультетини тамомлаганман. Сен мутахассис эмассан, деб менга компенсация пулларини тўлашмаяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонида биноан, фақат педагогик маълумотга эга бўлган педагог ходимларгагина компенсация пуллари тўланиши ҳақида айтилган.

Қашқадарё вилояти Чирочик туманидаги 90-мактаб ўқитувчиси С.Раҳмоновдан Савол: Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг касбий таълим факультетини сирдан ўқиб тамомлаганман. Тумандаги мавжуд касб-хунар коллежлари олисдалиги боис мактабда дарс беришга мажбурман. Бирок, мактаб маъмурияти мени номутахассис деб ҳисоблаяпти. Ахир, биз ҳам педагог эмасми?

Жавоб: Мактабларимизда тегишли фанлардан педагогларга эҳтиёж сезилганда сиз каби муҳандислик, қишлоқ ҳўжалиги олий ўқув юртлари битирувчиларидан фойдаланилади, бироқ улар педагогик маълумотга эга эмасликлари тўғрисидаги номутахассис деб ҳисобланади.

Й.АХМЕДОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

ОЧИҚ МУЛОҚОТДА МУАММОЛАР ХАМ ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўзига хос янги ёндашуви, янгича педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этишни талаб этади. Бу каби ислохотларни таълим муассасаларига жорий этишда талабалар билан яқиндан иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида ташкил этилган мулоқот ҳам ре-

тор ва талабалар ўртасидаги эркин суҳбатга йўл очди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирини, академик Саидхорр Фуломов иштирок этди.

— Ушбу мулоқотни ташкил этишдан асосий мақсадимиз, — дея таъкидлади университет ректори, академик Тўрабек Долимов, — бугунги ахборотлар оқими соат сайин усиб бораётган бир даврда ёшларимизни замон билан ҳамқадам яшашга ўргатишдан иборат. Албатта, бу ахборотлардан хабардорлик ҳам керак. Лекин

А.НОРКУЛОВ, Д.СОДИҚОВ





Барча даврларда ҳам тил — миллатнинг кўри, фахри ва албатта, шуқли раъзи хосибланган. Ҳа тил замирида эса миллийликни сақлаб қолиш эса миллатнинг бурчи саналади. Зеро, шундай экан, миллий руддаги шеърлар, асарлар миллий адабиётнинг юзида балқиган куёш нури сингари жилвақордир.

Mulohaza

Нима учун биз соҳибимизни тараймиз, ўзимизга орқо берамизку, бироқ ички оламимизнинг қашқоқлигидан заррача ўкинмаймиз. Ҳазимизга хос миллийлигимиздан бехабар юрaverамиз.

ТИЛИМИЗНИ САҚЛАЙТИК

Ҳа тилини унутган киши ҳалоқатга маҳкум. Бундай кишиларни боҳомиз Бехбудий "Қул-маркак" дея атаган эди. Замонасиз адбиби Чингиз Айтматов эса манкурт ўғил тилимизда бундай кишилар ҳаёт йўлининг ниҳоясини кўрсатиб беради.

XIX аср охириларида юртимиз сарҳадларига бостириб кирган рус боқунчилари генералларидан бири Скобелов бекжизга: "Миллатни кул қилмоқ учун тилини йўқотиш ки-

Тилимизни соғлиғича асрайлик. Боҳоларимиз уни бизга соф ҳолда етказиб беришидир. Эртага авлодлар олдида жавоб беришни ҳеч маҳал эсдан чиқармайлик. Бир сўз билан айтганда, аждоғларга муносиб, авлодларга ўрнақ бўлайлик.

Умид ЁКУБОВ,  
ЎЗМУ журналистика факултети I-курс талабаси

ОТА-ОНА РИЗОСИ

Рустам эшикни тепиб, маст афғонда ичкарига кириб келди. Остонада унга ота-онаси пешвоз чикди. Рустам эса уларни пиндан қилмай, уларга қарата ҳақоратомуз сўзларни айтиб валдирарди. Шу пайт улар Рустамни тинчлантирмоқчи бўлишди, ammo бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Рустам уларга "сизлар меннинг ота-онам эмасизлар" деб юборди. Шўрлик ота-онасига бу сўзлар оғир бо-тиб, "Ўғлим нима деясан" дея сўзни айтишлари билан, Рустамнинг баттар жаҳли чиқиб, ҳатто ўта-онасига қул кўтаришга борди. Фарзандининг бу қилиқларидан норизо бўлган ота-она ўғлини оқ қилдилар. Рустамнинг иччилари, бир неча йилдан бери давом этиб, ота-онасига кун бермасди. Ичиб келса дарах уриш қилар, хотинидан айб қилиб жанжал чиқарарди. Кексайиб қолганда бу кўрликларга бардош бера олмаган ота-онаси охири-оқибат оламдан кўз юмди. Қуллар, ойлар ўтди, орада фарзанд дунёга келди. Фарзанди Комилбек худди отасига ўхшаган бўлиб чиқди. Ота-онасини қийнайди-ган бўлди. Сўзларига кирмай, гап қайтарардиган бўлиб қолди. Ачинарлиси, ўғли жаҳолат йўлини

танлади. Рустам бу қулларни кўриб ҳақиқатнинг тағи етди. Ота-онасига қандай муносабат-да бўлганию фарзандидан ўшандай муносабатни кўраётганини тушунди. Аммо кеч эди.

Биз яхши биламизки, инсон она аллоси, ота меҳри билан воғра етади. Бир фарзандлар ота-онамиз тирикчилигида уларнинг розилиқларини олишимиз зарур. Бўлмаса, Рустамнинг бошига тушган қуллар, бизнинг ҳаётимизда ҳам бўлиши аниқ. Биргина лангати ароқ тўрайли, ота-онасидан айрилди, энг муҳими, уларнинг ризоллигини ололмайди. Бунинг устига фарзандидан ўшандай муносабатни кўрди. Шундай экан, не наф ичкиликка ружу қўйишдан, ахир, мана шу қасофати деб, қанча ота-оналар фарзандидан норозичу-ку. Вақти келиб, биз фарзандлар ота-оналаримиз ёшига етамиз, улар эса бўвабу бовижоналаримиз ёшига етишади. Вақт борлигида, ота-оналаримизнинг бизга нисбатан қилаётган гами-ҳўрликларини қадрлаб, уларнинг ризоллиқларини олайлик. Ҳар қандай иш бурсалар ҳам "Ҳўл бўлади" деб ишга киришайлик.

Дилфуза КАРИМҚОНОВА,  
Тошкент шаҳридаги 148-мактабнинг 9-синфи ўқувчиси

Тарихдан маълумки, ҳар қандай жаҳият таракқий этиши учун ўша жаҳиятнинг кишилари ҳар томонлама баркамол шахслар бўлиб етишган бўлишлари лозим. Киши шахсининг ривожланиши ва унинг илмий-маънавий салоҳиятининг шаклланишида сўз

ифодалайди". Дарҳақиқат, гўзал сўзлай билиш, айтилмоқчи бўлган фикрни инсон шуурига аниқ ва тўлиқ қилиб етказиб бериш санъат даражасидаги жараён ҳисобланади.

Инсон қалби дунёдаги жаҳияти нозиклик ва нафосатнинг энг олий нишон-

тўғри ўсиши учун парварши воситасидир. Тарбияни эса, албатта сўз ишлатмасдан бериб бўлмайди. Демакки, Ватанга муҳаббат, садоқат, иймон,

СЎЗ ҲАҚИДА СЎЗ

санъати — муомала маданияти беқибс даражада ўрин тутди. Шу ўринда аввало, санъат сўзига тўхталиб ўтишни жоиз топдим. Санъат ҳақида файласуф Хосе Ортега шундай дейди: "Санъат шундай олижаноб ҳиссий қуролдирки, инсон бошқа ҳеч қайси йўл билан ифодалай билмаган нарсасини шу восита орқали

сидир. Қалб остонасидан кирмай туриб, инсон тафаккурига, унинг шуурига таъсир қилиб бўлмайди. Қалб уйини забт этгувчи ягона куч сўздир.

Таъкидлаш жоизки, сўз санъатига таълим-тарбия жараёнининг илк бошқиларида нарқоз зарурат туғилади. Ёшлар янги ниҳол бўлса, тарбия ўша ниҳолнинг

инсонийлик каби тушунчаларни ёшлар онгига сингирдиришда сўз аталмиш буюқ қудратнинг ўрни беқибс. Зеро, юрт келажиги, Ватан равнақи, миллат тақдирини баркамол авлод тафаккурига тааянади.

Нилуфар МАНСУРОВА,  
Тошкент давлат маданият институту талабаси

Румий ижодида борлиқ масаласи Шарқ фалсафасига хос бўлган шаклда таҳлил қилинади. Шарқда борлиқ кўпроқ руҳий томондан тушунилган ва инсоннинг ички олами билан боғланган. Оддий қудналик дунёқарашини оладиган бўлса, биз борлиқ деганда инсон атрофини ўраб турган барча мавжуд нарсаларни тушунаемиз. Бу, асосан моддий нарсалар бўлиб, э табиятдаги нарсалар ёки инсон фаолияти натижасида яратилган нарсалардир. Ундан ташқари, оддий онг даражасида инсон тафаккури томонидан яратилган гоғлар, фикрлар, тушунчалар ҳам руҳий борлиқ деб ҳисобланади. Румий ижодида борлиқ ўзгача тушунилади. Оддий онг даражасидан фарқи ниҳоятда каттадир. Борлиқ Румий учун энг биринчи навбатда руҳий тусга эга ва инсоннинг ички олами билан бевосита боғлиқдир. Шундай экан, инсон тасаввуриданги хаёллар ва руҳий ҳолатлар ҳам борлиқ деб тушунирилади. Масалан, Румий айтишича: "Олам хаёл билан қоимдир ва кўрингани, ҳис этилгани учун уни ҳақиқат дея ўйлайсан. Ҳолбуки, олам сен хаёл деган маъноларнинг бир нуридир, ҳолос. Хаёл бўлган нарсага аксинча қарасанг, у оламнинг айнан ўзидир" ("Ичингдаги ичингдадир". — Тошкент: "Ёзувчи", 1997й. 107-бет).

Инсондан ташқаридаги олам унинг ички оламида акс эттирилади ва бу иккала олам ягона бир нарсадир. Бу икки оламни бирлаштирувчи инсон эса ўзининг руҳий қудрати орқали оламга нур таратади туради ва олам моҳияти инсон руҳий ҳаётининг моҳияти орқали очилади. Румий фикрича, инсон Тангрининг устурлобидир ва бу устурлобда бутун олам кўринади. Инсон оламдаги барча мавжудотларнинг бирлигини ўзининг руҳий борлигида акс эттиради. Румий фикрича, инсоннинг руҳий борлиги бу ундаги илохий кучдир ва куч оламдаги барча нарсаларни бирлаштиради. Лекин бу кучдан ҳамма инсонларнинг фойдаланиши ниҳоятда мушкул. "Инсон Тангрининг устурлобидир (телекопидир). Фақат бу устурлобни биладиган мунажжим лозим. Дехқон ёки баққолнинг устурлобни бўлгани билан уни ишлатолмагандан кейин нима фойдаси бор?" Инсон моддий оламнинг моддий неъматларига қаттиқ боғланиб қолади, мону давлатга қўнғил қўяди. Буларнинг барчаси эса, Румий фикрича, ўткинчи ва унинг руҳий қўнғилнинг заифлигини олиб келади. Натижада инсон ўзининг руҳий борлигиндан ажралиб қолади, нафс ва ҳирс деғизиди фарқ бўлади. Румий оламни қўнғилга ўхшатади. Бу қўнғилнинг ўзгариши оламнинг ўткинчилигини эслатади. Ҳаёт уммонининг тубида эа аjoyиб бир дур яширинган. Бу дур ўзи нима? Румийга кўра, бу инсоннинг пок қалбидир.

Олимлар айрим нарсаларнинг ташқи кўринишини тиниксиз ўрганишда ва бутун диққатини моддийликка қаратишда, натижада эса, уларнинг ўзлигини ташкил этган ички руҳий ҳаёти эътибордан четда қолди кетади. Айнан бу эса, оламнинг жавоҳиридир. Инсон ўз танасини боқоди, уни овқат ва кийим билан таъминлайди. Тана бу отдир, инсон эса, бу отнинг устидаги чавандоз. Отнинг ем-хашаги инсонга тўғри келмайди. Инсоннинг руҳий борлиги ўзига руҳий озуқа талаб этади. Бу озуқа шакли намозда мавжуд, лекин унинг моҳияти намоз билан белгиланмайди. Инсон қалбидаги Оллоҳга бўлган бениҳоят қучли меҳр инсон вужудини истироқ ҳолатига келтиради. Бу ҳолатда эса инсон намозсиз ҳам Тангрининг нури билан бирлашади. Бу илохий нур билан бирлашиши инсон вужуди учун асосий руҳий озукдир. Бу ерда Румий истироқ деб тилга олган ҳолини экстаз деб атасақ бўлади. Экстаз ҳолатида инсон вужудидан ниҳоятда қучли руҳий қувват ўтади ва инсон бар-

«ОЛАМ & АЁЛ БИЛАН ҚОИМДИР»

Румий ижодида руҳий борлиқ масаласи

қан молу давлатга ҳирс қўймаслиги керак. Акс ҳолда ундаги ижодкорлик фаолияти сўнада ва инсон ичидаги энг катта давлат — қалбидаги меҳр-муҳаббатдан ажралиб қолади. Румий учун Оллоҳ йўлидан юриш бу қалбда илохий муҳаббатни ҳис этиш, уни авж олдиришидир. Айнан шу муҳаббат нури инсонга асосий руҳий озуқа беради ва инсон атрофидаги барча нарсаларнинг яширинган гўзал сиймосини кўришга имконият беради. Бу гўзаллик эса, бутун оламнинг нури бўлиб, унда Оллоҳнинг жамоли яширинган. Лекин бу гўзаллик инсон остида яширинган. Фақат инсон қалбидаги муҳаббат ҳиссиёти бу ниқобларни очиб ташлаши мумкин. Демак, Румий фикрича, Оллоҳ йўлидан юриш бу, инсон қалбидаги Оллоҳга бўлган муҳаббат орқали содир бўлади. Шундангина инсонда ижодкорлик қобилияти очилади. Инсон ўз ҳаёти давомида шуғулланган ҳар қил ишларга ҳаёт қўйиши мумкин ва бу унинг ижодининг очилошига олиб келади, лекин бу ижодкорлик чегараланган бўлади. Ҳақиқий яратувчилик кучи эса чексиз ва чегарасиздир. У инсонга катта ҳаётли куч бериб, ҳаётнинг ўзи билан қўшилиб кетади ва ҳаётнинг заминига ётган жўшқинлик қучига айланади. Аслини олганда ҳаётнинг ўзи ҳам бу — яратилиш, ижод қилишидир. Шунинг учун Румий ақлий ижодкорликни руҳий ижодкорлик қучидан ажратмайди. Ақлдаги ижодкорлик бу нарсаларнинг инъикосини топшиш ва янги-янги нарсаларни яратишдир. Лекин бу ижодкорлик ақл

доираси билан чегараланиб қолади. Руҳий ижодкорлик эса, бу барча нарсаларнинг заминидан ётган руҳий кучни олиб келади. Ана шунда у худди қимматбахо пичоқни қовоқни ёриш учун ишлатган кимсага ўхшаб қолади. "Чунки инсонни бошқа ишлар учун яратмади. Бу шунга ўхшади: Сен шохлар ҳазиналаридан бўладиган қимматбахо пўлатдан тайёрланган хинд қиличини, "Мен бу қиличини бекор ётмаслиги учун турли ишларда ишлатаман" дея келтириб, ош пичоғи ўрнида гўшт тўғрасанг ёхуд олтин идишда шолғом пиширсанг, ё жавҳар билан безатилган пичоқни мих ўрнида қоқиб, унга ошқовоқ оссанг увол бўлмасми, одамлар кулмасми?" Холбуки, қовоқнинг иши бир пўлат тاختа ёки темир бир мих билан ҳам битади. Шунга юз диндорлик пичоқни ишлатиш ақл иши эмас-ку!

Ҳар бир инсонга улуг бир неъмат берилган. Бу неъмат ундаги ижодкорлик руҳий қучидир. Бу кучни юзага чиқариш инсоннинг энг асосий вазифасидир. Бу йўлда унга қўн нарсалар тўсиқ бўлади. Шулардан энг асосийси моддий олам неъматларига боғланиб қолишидир. Нафс ва ҳирс инсонни руҳий озукдан маҳрум қилади ва уни боши берк қўчага қитриб қўяди. Инсон ўз ҳаётини аризмаган майда-чўйда ишларга бағишлайди ва унинг қалбида қандайдир сикилиш, изтироб чекши ҳиссиёти пайдо бўлади. Бу ҳиссиётни енгиш учун Румий фикрича, инсон ўз жонини ҳам, молини ҳам Оллоҳ йўлига бағишлаши лозим. Буни қандай тушунмоқ керак.

Инсон ўз ҳаёти давомида йиқ-

бири ўлмоғи лозимдир. Бу мисолнинг маъноси қандай? Бир жон покляниши учун иккинчи жон ўзини унга фидо қилмоғи керак, ўз менлигини унутмоғи лозим. Натижада иккала жон ҳам бир-бирига қўшилиб ва улар муҳаббат нури алангасида поклянади. Шундай қилиб, Румий фикрича, инсон қалби покляниши учун инсон ўз менлигиндан воз кечиши керак. Бу эса дардсиз, изтиробсиз бўлмайди. Айнан шу руҳий изтироб инсон қалбини покляйди. Ҳар бир инсон бошқа инсон учун кўзгудир. Бу кўзгуда инсон аслида ўз аксини кўради. Лекин, бунинг тушуниши хохламайди. Инсон манманлиги унга тўсиқлик қилади. Агар инсон манманликдан воз кечса, ўз акси билан бирлашиб кетади ва бошқа одамлардаги камчиликлар унинг кўзига худди ўзининг камчилигидаги кўринмади қолади. Шунда инсонлар ўртасидаги фарз, бир-бирини кўра олишларга имконият бўлади ва инсон ўз зотини танийди. Яъни, барча одамлар ягона бир инсон эканлигини тушунадилар. Демак, бошқа одамларга азоб бериш, ўз-ўзини қийнақ билан баробардир. Бу эса, ўз менлигиндан воз кеча олмаслик натижасида содир бўлади. Бундай дард чекши руҳий поклянка олиб келмайди. Шунинг учун Румий дардини икки тоифага ажратиб, ўз менлигини йўқотиш йўлидаги дардини улуглайди.

Инсонда руҳий ижодкорлик фаолияти очилса, оламни кўриш қобилияти ҳам ўзгаради. Бундай инсон бошқалар кўрмайдиган ва сеза олмайдиган нарсаларни ҳис

бир-бирдан катта фарқ қилади. Натижада инсонларнинг бир-бирини тушуниши ниҳоятда мураккаб, қўнғилча аламга ошмайдиган чигаллик бўлиб қолади. Лекин охират бўлмасдан олдин ҳам ҳақ йўлда турган одамлар бу бирликни ҳис қила оладилар. Агар бу фоний дунёдаги барча замонлар ўткинчи бўлса, охиратдаги замон ягона, ҳақиқий замондир ва уни асл замон деб аташимиз мумкин. Бу асл замон руҳини сезувчи одамлар ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам доимо бўлишган. Румий уларни қоронғу тунда ҳам қилбага юзи билан қараб ўтирган одамларга ўхшатади. Бу пайтда кўнғилчи одамлар қилбага тескари ўтиришади. Зулмат тарқалганда улар ҳам қилбага юзи билан қараб ўтиришади. Бундай охиратни кўргувчи шахсларни Румий ҳодисалардан воқиф бўлган шахсларга ўхшатади. Негаки, воқеалар ўткинчи моддий оламда содир бўлишдан олдин, боқий оламда содир бўлади ва у воқеаларда катланган жонлар гувоҳлардир. Лекин бу гувоҳликни ҳамма ҳам баҳара олмайдди. Ҳар бир инсон фақат руҳий куч — қуввати етган ва-зифани баҳариши мумкин. Ундан ортиги эса унга қўнғил қилади. Воқеаларга гувоҳ бўлмаган инсонлар, бу воқеаларнинг фақат айрим юзаси хусусиятларини кўрадилар ва тушунадилар. Асл моҳияти эса, уларнинг эътиборидан четда қолади. Бундайларга қанча кўп тушуниртангангиз ҳам ақллари моҳиятини англай олмайдди. Румий фикрича, ҳақиқат инсон қалбига очилади. Боқий оламда гувоҳ

тиб, инсонларни уч тоифага бўлади: биринчи тоифадаги одамлар тўғри сўзлайдилар, лекин амаллари тескари бўлади. Иккинчи тоифадаги одамлар тўғри сўзлайдилар ва хатти-харакатлари ҳам ўшанга яраша тўғри бўлади. Учинчи одамлар жуда камчилигини ташкил этадилар. Улар гагирмайдилар, ҳақиқатни амалда баҳара қилдилар. Улар ҳақ йўлидан борувчи инсонлардир. Румийнинг фикрлари ҳам Рамнинг фикрларига ҳамохандир.

Инсон илохий ҳақиқатни фақат ўзида топиши мумкин. Бунинг учун эса, унинг кўзига кўринмаган ва лекин бутун борлиқни бирлаштирувчи илохий кучни ўз қалбида кашф этиши керак. Инсон инсонни севса, ҳеч ким бунга ҳайрон бўлмайди. Лекин кўзга кўринмайдиган, қўнғил аширмайдиган Оллоҳни қандай севиш мумкин. Бунинг учун инсон ўзининг ички оламига кириши керак. Румий ақл бовар қилиб таърифлаб бера олмайдиган нарсани, сурат орқали ҳис қилиш мумкин дейди. Масалан, бир файласуф кўзга кўринмайдиган, таърифлаб бўлмайдиган нарсаларга ишонмас эди. Қуллардан бир кун касал бўлиб қолади ва руҳоний ҳақиқатга соғлиқ исташини айтади. Лекин соғлиқни тушунтириб, хусусиятларини айтиб бера олмайдди, фақат суратини тасвирлаб беради. Ҳақим унга соғлом бўлишни хоҳласанг ўз мазаб-абингдан қайтиб Оллоҳга эътиқод қилгин дейди.

Румий, инсон эътиқоди орқали ҳақиқатга эришади, деб ҳисоблайди. Инсон борлиқдаги

Anglash

га боғлиқ эканлигини ҳам кўрсатади. Образли қилиб айтганда, ички билим бу кўёшдир, ташқи билим эса, қўёшнинг нурини акс эттирувчи ойидир. Қўёш бу ҳаётли куч бўлса, ой бу зулматни ёритувчи чиқордир.

Қўнғилча жузъий ақл танқид қуролидан фойдаланади. Ҳар қил фикрларни бир-бирига солиштириб танқид орқали янги фикрга келмоқчи бўлади. Бунга ёрдам берувчи энг машҳур усуллардан бири мунозаралардир. Мунозарар ва баҳс жараёнида инсонларнинг фикри бир-бирдан фарқ қилиб, фикрда янги ва янги қирралар очилади. Лекин бу қирраларни бирлаштирувчи, инсонлар фикрини ҳамохан қилувчи руҳий куч баҳс ва мунозара пайтида туғилмайди. Демак, аслида баҳс ва мунозара пайтида янглик кашф этилмайди. Қандай туғилиши мумкин? Ахир мунозара пайтида одамларни бирлаштирувчи ақлий жараён ишга тушиб кетади ва ҳар бир инсон ўз фикр юритиш доирасида чегараланиб қолади. Бундай ҳолатдан чиқиб кетиш учун мантқиқий занжирни барпо этиш ўрнига инсонларни бирлаштирувчи руҳий ҳиссиёт зарурдир. Бу руҳий ҳиссиёт сўз орқали эмас, балки инсонларни бир-бирига яраштирувчи ҳис-туйғу орқали майдонга чиқади. Шунинг учун Румий ҳақиқат билиш тасаввуф аҳлигагина мансуб, дейди. Сўфийларни бирлаштирувчи илохий муҳаббат кучи уларга ҳақиқий сўзсиз очиб беради ва тафаккур олами равшанлаштиришга ёрдам беради.

Румий фикрича, инсон қалбидан олдиндан кўриш ва эшитиш қобилияти мавжуддир. Инсон ўзининг жисмоний кўзалари ва қўлоқлари билан моддий нарсаларнинг фақат ташқи хусусиятларини кўриши ва эшитиши қобилиятидан ҳам ўткир бўлган руҳий куч бордир. Бу кучга тананинг оғизлиги ҳам, тананинг макон ва замонда чегараланганлиги ҳам ҳалақат бермайди. Бу руҳий куч ҳар қандай масофани бир зумда босиб ўтиши ва бошқа руҳий кучларга таъсир қилиши мумкин. Набийлар ва орифлар, бу руҳий кучни бошқара олишлари ва уни тасаввурда суратлар орқали гавдалантиришлари мумкин. Бу суратлар, образларнинг асл моҳияти руҳий қувват, оддий қилиб айтганда, нурдир. Румийнинг бу фикрини ҳозирги замон фанида айрим олимлар тан олдишмоқда. Масалан, рус олими академик Казначеев ҳар бир инсонда биологик майдон мавжуд деб ҳисоблайди ва уни руҳий қувват деб ҳам атайди. Уфа шаҳрида истикомат қилувчи олимулмуздашев эса, инсоннинг биологик майдони ёки аурасини акс эттирувчи асбоб-ускуналар кашф қилган ва бу аппарати орқали одамларнинг сикит-саломатлигини тиклашда кенг фойдаланади. Муздашевнинг фикрича, инсондаги руҳий куч инсон вужудини ҳаракатга келтирувчи асосий омилдир. Бу руҳий қучнинг заифлашиши ва ифлосланиши инсон танасидаги ҳар қил касалликларга олиб келиши мумкин. Инсонни даволашда унинг танаси ҳам, руҳий ҳолати ҳам бир-бирига боғлиқ эканлигини эътиборда олиш зарур ва иккаласини ҳам даволаш керак.

Шундай қилиб, замондошларимизнинг жисмоний ва руҳий саломатликларини яхшилаш учун, кайфиятларини кўтариш учун ва инсон онгининг тубида яширинган қучларни тушунишга мақолада келтирилган Румий ижодидаги фикрлар ва гоғлар ёрдам беради, деб ишонамиз.

Гулчехра ҚОБУЛНИЁЗОВА,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент,  
Н.ЗАЙНОБДИНОВА,  
ЎЗМУ магистранти



Xususan, Bo'stoniy nomli maktabda 36 tur yo'nalishdagi to'garaklar tashkil etilgan bo'lib, mashg'ulo'larga qatnashuvchilar viloyat, respublika miqyosidagi ko'rik-talovlarda faxrli o'rinlarni qo'lga kiritishmoqda.

Markaziy Osiyo uchun birinchi marta ekologik tizimlarning bazaviy klassifikatsiyalarini ishlab chiqishga muvaffaq bo'ldik. Suv sifatini baholash uchun kompleks uslub yaratildi.

Milliy dastur — amalda

Тазлим тизимига муваффақиятга эришиш бошқа соҳаларда ютуқлар соҳиб бўлишга нисбатан минг чангон мушкудор, мураккаброқ, назаримда. Негаки, ўқитувчи меҳнатининг маҳсули ўзганинг, яъни ўқувчисининг тафаккурида бўй кўрсатади. Ақлу заковатни улвайтириш, тарбиянинг ноҳик, хуш қирраларини одамзотнинг табиаति, хулқи ашвори, онгу шуурига сингириш эса Ҳазрати Муаллимнинг қўлидан келажаги олдида не-не улур зотлар таълим бажо айламиш...

Ҳар гал Навоий вилоятдаги туманлар орасида ана шу энг масъулиятли жабҳа — халқ таълимидagi ютуқлар Қизилтепа туманида ҳар томонлама пешқадамлиги хусусида гап кетса бу улур ишларга катта тажриба, етук раҳбарлик салоҳияти, тағбиркорлиғи билимдонлик билан бош бўлаётган Турсунпўлат ака Фатуллаевнинг хизматларига кўпчилик тан беради.

Меҳнат фаолияти давомида туман ҳокими гаражасига етиб, Олий Мажлис депутатлиги сифатида Қизилтепа, қизилтепеликлар турмуш тарзининг фаровонлиги йўлида куч-қувватини аямган Турсунпўлат ака ҳуқуқнинг маданият-маърифий ҳаёти ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. 1972 йили Бухорода педагогика институтини муваффақиятли тугатиб, ёшларга тарих-география фанларидан сабоқ бера бошлаган доола қайси вазиғарида йўланмасида қараман ўзини МУАЛЛИМ деб билиди. Уқитувчиларнинг дарғи дунёси, ёш авлод таълим-тарбиясидаги мушкулоту ютуқлар билан қоришиб яшади. Мана неча йилдирки, Турсунпўлат ака туман халқ таълими бўлими мудури... У раҳбарлик қилаётган даврлар мобайнида йилдан йилга тазлимда кувонча натижалар кузатила бормоқдаки, бунинг акси барча жабҳаларда кўзга ташланмоқда. Чунки, соҳаларга мактабнинг мукамал таҳсилчи олган мутахассислар олий ўқув юрталарини, касб-ҳунар коллежларини тугатиб фаолият кўрсата бошлашмоқда...

Доола билан уюштирган мулоқотимиз маърифатнинг узундан узюк йўли, бутун миллий дастурни амалга тағбўқ эйтиш борасида тўпаланган бой тажрибалар, ибрат ола арзиғулук янги ва яхши ишлар хусусида борар экан бугунги муаллим етук ШАҲС ҳам бўлмоғи зарурлигини кашф этгандек бўлди.

МАЪРИФАТНИНГ йўли узун...

— Таълим китобдан бошланади. 2003-2004 ўқув йилининг Республика умумий ўрта таълим муассаса кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили, дея юритилгани ҳам бежиз эмас... Шу йўналишда олиб берилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Туманимиздаги 38 та мактаб, 1 та махсус мактаб-интернат, 2 та лицейларнинг барчасидagi кутубхоналарда махсус мутахассисла эга, китобхон ва китоб ўрғасидagi узвий муносабатни боғлаб бориш учун куч ва малакаларини сафарбар этиб меҳнат қилаётган ҳодимлар фаолият юритишмоқда. Кутубхоналаримизда “Президент асарлари”, “Миллий истиқлол рояси”, “Аждодларимиз меросидан”, “Буюк сиймолар”, “Конституция — бахтимиз қомуи” каби бурчаклар ташкил этилган. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш айни пайтда 85,8 фоизни ташкил этмоқда. 4-5-9 синфларни ўқитишда ижара тизимининг жорий этилиши билан олаоналар, ўқитувчи ва ўқувчиларимизга ҳам катта имкониятлар яратилди. Туманимизда бўлиб ўтган “Мактаблар кунини даи сўнг яна китоблар харид қилиш учун 7 миллион 370 миғг сўмлик хомийлик ёрдамлари бериллиши кутилмоқда. Шунингдек, кутубхоналаримизни бадиий адабиётлар билан бойитиш, айниқса, тарихий меросимиз ҳақида ҳикоя қилувчи нашрлар, вилоятимиз, туманимиз ўнгириш ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар, ёзувчи шoirларимизнинг янги чоп этилаётган китоблари билан тўдйрилиш боришга катта эътибор қаратилган. Ёшларимизни китобга, даврий нашрларга қизиқишларини ошириш мақсадида турли танловлар, ижодкорлар билан учрашувлар, кечалар уюштириб туриш кутубхоналаримизда анъана тусини олган.

— Маълумотларига қараганда тумандаги мактаблар битирувчилари эришаётган муваффақиятлар вилоят миқёсида энг юқори деб топилмакда...

— Худудимиздаги таълим муассасаларида 29 миғг 836 нафар йигит-қизларимиз тахсила олишмоқда. Бу йиғирма ўқувчи миғг сангиз юзу ўттиз олти дунга дегани. Негаки улур ҳар бирининг ўзи га хос оламини, феъл-атвори, қизиқиш ва интилишларини бор. Инсон оламини кашф этмай туриб унга сабоқ бериш, ибрат

бўла олғулук улур мартабага эришмай туриб ортидан эргаштира олиш мумкин эмас. Мен ўқитувчиларимизга ана шу фазилатларни ўзингизда жамулжам этинг, сўнгра марра сингизи, дея кўп такорлайман. Бу ёни эса 2003 йил бўлиб ўтган фан олимпиадаларининг республика бошқичида иштирок этган вилоятимиз ёшларидан тўрт нафари имтиёз-ли ўринларини эғаллашган бўлса, улардан икkitиси қизилтепелик ўқувчиларидир. Шу йил мактабларимизни тугатган йигит-қизларимизнинг 36 фоиздан ортнини турли нуфузли олий ўқув юрталарининг талабалари бўлишти. Ўқувчиларимизнинг бу ютуғи шаксиз ўқитувчиларимизнинг заҳмати меҳнати изланишлари мевасидир. Ана шу меҳнатлар самараси ўлароқ “Йил мактаби-2002” танловида 13-сонли “Зарафшон” мактаби республикада 3-ўринга олий топилди. С.Айнинг номи мактаб ўқитувчиси Воҳид Муҳаммедов икки йилдан буён информатика фани ўқитувчилари орасида дастур тузиш бўйича ўтказилаётган республика танловида гоидбликни қўлга киритиб келмоқда. Шунингдек, ўқитувчиларимиз орасида чет эл таълим тизимини ўрганиб қайтаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, инглиз тили муаллимаси Озода Қодирова АҚШда, француз тили ўқитувчиси Сайдулла Исмаилов Францияда бўлиб ўз билим ва малакаларини ошириб қайтишти. АҚШнинг Монтана штатидан таширф буюрган этнограф олим профессор Жуды Вульф номин туманимиз маорифи ҳаёти билан бир ҳафта давомида таъиниш, яхши таасирот олганини таъкидлади. Жорий йилда Акишер Навоий номидаги мактабимиз Япония грантини олишга сазовор бўлди ва тўла чет эл ўқув техникалари билан жиҳозланди... Энг кувончлиси, таълимнинг 16 тури бўйича вилоятда факхри биринчи ўринга кўтарилди. Кейинги йилларда ёшларимиз орасида қонунбузарликдек иллат кузатиламан...

— Мустақиллик йилларида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳосиласи сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203 сонли қарорига асосан ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик

ташхис марказлари ташкил этилди. Тумандаги таълим муассасаларида бу борада қандай амалий ишлар қилинмоқда.

— Мактабларимизнинг барчасида “Психолог хонаси”, “Касба йўналтириш хонаси ва зали” мавжуд бўлиб психологларимизнинг аксарияти қайта тайёрловдан ўтишган, ўз малакаларини оширишган. Ўқувчиларнинг касб-хунарга бўлган қизиқишлари, мойилликларини ўстириш мақсадида касб-хунар коллежлари, кичик ва қўшма корхоналар фирмаалар билан шартномаалар тузилиб ўқув устахоналарини ташкил этиш, махсулот ишлаб чиқариш шу тарихга пуллик хизматни йўлга қўйиш, касб-хунар турларини, тарби қилишининг турли усулларини қўллаш режалаштирилган. 9-синф ўқувчилари ўртасида “Билим ол, хунар таъла” мавзусида тағбирлар ташкил этилиб, уларнинг ўз қўллар билан ясаган, тиккан, тўқиган ишларидан намуналар намойиш этилмоқда. Ўқув муассасаларида гиламчилик, косиблик, кулочилик, сартарошлик, новвойлик, дурдогошлик, гулчилик каби бир қатор янги тўғарақлар ташкил этилаётир. Бу тўғарақларда мохир усталар кейинги йилларда айрим унутилиб, йўқолиб кетаяётган миллий хунарларимизни ёшларга кунт билан ўргатишмоқда. Ўқувчиларнинг касбий психологик-педагогик таълим ҳақида “Қизиқишлар анкетаси”, “Касб танлаш мотивлари” методлари

СУВ — ТАБИАТНИНГ НОДИР БОЙЛИГИ

демак, ундан оқилона фойдаланишимиз зарур

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сув ресурсларининг шаклланиши, ундан фойдаланиш имкониятини оқилона ҳал этиш ҳамда барпо этилган йирик гидротехник иншоотларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш ўз-ўзидан амалга ошириб қолмайди. Буларнинг барчаси илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати кўяди. Маълумки, юртимизда қадимқадимдан цивилизация суғурма деҳқончилик асосида шаклланган ва ривож топган. Лекин дарёлар оқимининг шаклланиш жараёни доимо ҳам суғурма деҳқончилик талабларига мос келвермаган. Жумладан, суғурма деҳқончиликнинг сувга бўлган асосий талаби июль-август ойларига тўғри келади. Бу даврда Сирдарёда 24-29 фоиз, Амударёда эса 35-39 фоиз оқим микдори шаклланади. Минг йиллар давомида ривожланиб келган қадимий маданият ва айниқса суғурма деҳқончилик фаолияти инсон сув режими оқимини ўзига мослаштиришга ҳаракат қилиб келган. Оқибатда ўтган аср охирига келиб Сирдарё ва Амударёда бир қанча иншоотлар барпо этилди. Шундан сўнг Сирдарёда сувнинг жиловлаши имконияти 90, Амударёда эса 82 фоизга етказилди. Бу йирик иншоотлар электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланганлиги билан ҳам катта аҳамият касб этади.

Мутахассисларимизнинг фикрича, Айдарқўл ва Арнасойда сув таркиби органик моддаларга бой. Бу эса флора ва фаунанинг ривожланишига ижобий таъсир қилиди. Айниқса, бу қўлларда балкичиликни ривожлантириш истиқболлига умид қилиш мумкин. Агар бу қўллардаги флора ва фаунадан рационал фойдаланилса, бир йилда 30 миғг тоннага яқин балик махсулоти етиштириб олиш мумкин.

Амударё ва Сирдарё сув хавзаларидан фойдаланиш жараёнида ҳаракат таълимининг кескин пасаяётганлиги кузатилади. Дарёнинг табиий ҳолатида Норин дарёси Тўқтўқул қирқмигда сув микдорининг суғуриш давридаги ўзгариши ўрта қисмидаги Фархрод тўғони ва Чордара сув омбори оралиғига 5-6 суткада етиб келган бўлса, иншоотлар таъсирида бу вақт икки баравардан ҳам ортиб кетади. Сув танқис ҳолатларда бундай кенчикиш деҳқончилик учун жиддий қийинчиликларни вужудга келтиради.

Сув ресурслари билан боғлиқ муаммолар объект ва субъектив, табиий ҳамда демографик жараёнлар таъсирида кескинлашши тенденциясида эга. Институтимиз илмий жамоаси ўз изланишлари натижасини сув манбаидан то истикмолигача бўлган тўлиқ занжир оралиғида амалга оширишга диққат-эътибор қаратишайти. Занжирнинг барча бўлаклари сув манбаларини

ҳисобга олиш ва уларни бошқариш тартибларини иктисодий тараққиёт тамойилларига мослаштирилади. Бу ўз навбатида сув тўғрисидаги ахборотларнинг аниқлиги ва ростлигини ҳамда уни оператив тақсимлаш заруратини тўғдиради. Гарчанд техника ва услубий жиҳатдан таъминлаш борасида илмий ишлар қилинган бўлса-да, бу билан ки-фойдаланиш ярамайди. Илмий салоҳиятимиз дунё андозаларига тўғри келадиган технологияларни ҳам ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Кейинги йилларда олиб бориладиган тадқиқотларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятини таҳлил қилинди. Хусусан, Сирдарё ва Амударёда сув ресурсларидан ўзаро манфаатдорлик асосида мустакил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ўртасида белгиланган лимитларнинг бажарилиши, дарё билан суғуриладиган майдонлар, гидросуғурмака билан ирригация орасидаги зиддиятлар ва қонунга зид бўлиб қўрилди. Демак, уллардан келиб чиқадиган стратегик муаммоларни ҳал этишнинг услубий йўллари кўрсатилди. Дарё сувларининг ифлосланиши даражаси, оқим бўйича жойлашган майдонларда сув ва туз алмашинув жараёни, атроф-муҳитнинг ифлосланиши сабаблари аниқланиб, улари яхшилашга қаратилган тех-нологик тамойиллар яратилди.

Ўзбекистонни барқарор равишда сув билан таъминлаш, сув ресурсларини оқилона бошқаришнинг методологик услублари ва амалий тағбирлари тавсия этилди. Марказий Осиё учун биринчи марта экологик тизимларнинг базавий классификациялари ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Сув сифатини баҳолаш учун комплекс услуб яратилди. Ундан дарё сувлари қимёвий элементларининг олийк ва йиллик ўртача кўрсаткичларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Замонавий жуғрофий ахборот тизимларини қўллаган ҳолда Зарафшон ва Қашқадарё хавзаларидаги гидрогеологик ахвол рай-онлаштирилиб, зарурий хариталар ишлаб чиқилди. Бу АҚШнинг қишлоқ ҳўжалиғи департаменти билан ҳамкорликда бажарилгани таъкидлаб ўтмоқчиман. Шуниси аҳамиятга молики, фундаментал тадқиқотлар ёрдамида намликнинг мураккаб тузилмали тўрқоқда сингити жараёни ҳам ўрганилмоқда. Кўп фазали суоқлиқлар математик модел ёрдамида ўрганилган, суғуриш услублари ва унинг оптимал параметрлари аниқланди. Тадқиқотларнинг амалиёт билан боғ-

лиқлиғига аҳамият бермасак, бу ҳеч бир мақсадсиз ҳаракат дегандир. Тавсия қилинган натижалардан лойиҳа, курилиш, сув ҳўжалиғи ташкилотларнинг фойдаланаётганликлари олимларимизга куч-қувват, илҳом бағишлайди. Хусусан, томчилик суғуриш технологияси Қизилқумдаги 60 гектарлик майдонда қўлланилиб, Навоий вилояти аҳолисини қишлоқ ҳўжалиғи махсулотлари билан таъминлаш мумкин асос бўлиб хизмат қилди. Тўрт турдаги қўбикловчи поли-комплекслар синтез қилиниб, уни деҳқончиликда қўллаш техноло-гияси тақлиф қилинган. Тошкент давлат ирригация ва қишлоқ ҳўжалиғи механизацияшшу му-ҳандислари институтининг 40 гектарлик тарихий даласида қўлга кўрилди. Натижада ту-порқоқда қатқалоқ баргараф эти-либ, пахта ҳосилдорлиғи 2-3 цен-терга оширилди. Суғурмалари вилоятдаги насос станцияла-рида ўтказилган илмий нати-жалари диагностика марказига топширилди.

Мамлакатимиз сув ресурслари акс эттирган харитани кўз олдингизга даъватан келтири-шимиз кийин. Шу асосда яра-тилган гидроэкологик харита олимларимизнинг кейинги йил-ларда қўлга киритган ютуқлари-ни бери бўлди. Гановар шаҳ-рида ўтказилган «ЭКСПО — 2000» кўрғазамсида бу харита юқори баҳоланди. Биз биламизки, дунёнинг тур-ли мамлакатларида ҳам илмий тадқиқот муассасалари фаоли-ят кўрсатади. Ана шундай турдош даргоҳларнинг иш тажрибалари-ни ўрганишга нафақат кейинги йилларда, балки институтимиз ташкил этилган пайтлардан бош-лаб қиришганини қониқитиш билан айтиб ўтмоқчиман. АҚШнинг геология хизмати, Германияда-ги Оснабрук университети, Ан-глиянинг Весекс технологик ин-ститутлари билан ўрнатилган алоқаларимиз самараси ўлароқ, тадқиқотларимиз яна ҳам чуқур-лашди. Вакилларимиз яқиндаги Италиянинг Катания шаҳри-да ўтказилган «Атроф-муҳит ва саломатлик» мавзусига бағиш-ланган халқаро анжуманда иш-тирок этиб қайтишди. Анжуман ҳақидаги китобчада дунё миқё-сида атроф-муҳит ва саломатлик бўйича энг сўнги маълумотлар жамланган. Институтимиз гидро-экология соҳасида эришилган натижалар бўйича ўтказилган Ев-ропа иттифоқи рейтингидagi олий квалификация эгаси бўлди. Тадқиқотларнинг замон талаб-лари даражасида олиб борили-шини таъминлаш учун информа-цион таҳлил марказини очган

Сухбатдош Ҳулқар ТҶИМАНОВА.



Бугунги кунда мактабга таълим муассасаларида методик ба-зани шакллантиришга ҳар томон-лама киришилган. Яъни, ҳар бир боғчаннинг ўзидан тортиб туман ва шаҳар миқёсида ҳам тарбиячию услубчилар кичик-кичик методик қўлланмаларни имкон қадар ярат-моқда. Кам нусхада бўлса-да, харна кемтик жойини тўлдиритининг бир усули бу. Бироқ, шу ўринда савол туғилади. Ушбу методик қўллан-малар белгиланган талаб ва меъ-ёрларга тўла жавоб берган ҳолда чиқарилаётими? Албатта, иш

ҳамма жойда ҳар хил кечади. Ле-кин, нима бўлганда ҳам боғчалар-да бўшаб қолган китоб жавонла-рини тўлдиритиш ва боғча ола дои-мо ёнида олиб юриб, суяниб-тая-надиган қўлланмаларни яратиш зарурати кундан-кунга туғилайти. Бу йўлда МТМ мутахассислари изланиб, имкон топяптилар. Ба-рибир ҳам ҳар томонлама дида-ктик тарбиявий асосларда мутах-сис олимларнинг тадқиқотлари асосида яратилган қўлланмага нима етсин. Тарбиячининг орқа-ондига қарамай, ўз ишидан чалиғ-

БОҒЧА ОПАНИНГ КИТОБИ БОРМИ?

май, болаларга тарбия беришга бу бир омили бўлиб хизмат қили-ши барчамизга аён. Умуман, шу вазиятлар ҳисобга олиниб, мактабгача таълим муас-сасаларини методик адабиётлар билан бойитиш учун мактабгача таълим раҳбар ҳодимлари мала-касини ошириш ва қайта тайёрлаш, ўқув-методик Маркази томонидан болалар таълим-тарбиясига қўйи-ладиган давлат талаблари асоси-да уларни мактабга тайёрлаш бўйича вариатив дастур яратиш бўйича республика миқёсида тан-лов ўтказилапти ва унинг натижа-ларига катта умид боғланапти. Унғача ҳам мутахассислар қўл қовуштириб, қараб тургани йўқ, Маркази томонидан шу кунгача тур-ли йўналишдаги 9 та методик қўлланма яратилди. Шу ишларнинг узвий давомий сифатида мактаб-гача таълим муассасаси раҳбар хо-димларини қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш бўйича респуб-

Мактабгача та’лим

лика ўқув-методика Маркази қошида ташкил этилган илмий-методик кенгашда методик қўлланмаларни қандай тайёрлаш борасида баҳс борди. Унда кен-гаш аъзолари тавсия этилаётган илмий-методик қўлланмалар ҳам илмий жиҳатдан, ҳам амалий то-ғонадан тадқиқ қилиниши лозим, деган хулосага келишди. Шу ху-сусда фикр билдира туриб, ХТВ

муаллифликда ишласалар, ярати-лаётган қўлланмаларнинг самара-дорлиғи ошади. Чунки тан олиши-миз керак, жараён ичидаги мута-хассислар болалар билан ишлаш-да қайси усуллар кўпроқ фойда беришини яхшироқ билишди. Шунинг учун бундан кейин кен-гашга қўйилган ишларда амалиё-тичларнинг ҳам тақризи бўлиши мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг мактабгача таълим муассасаси раҳбар ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ўқув-методика Маркази директори Ман-зура Солиқова ҳозирда МТМлар учун сув ва ҳаводек зарур бўлган қўлланмаларни яратишга бармоқ билан санарли мутахассис олим-лар кучидангина эмас, бошқа шу соҳанинг илмий изланувчиларини ҳам жалб қилиб, уллардан унумли фойдаланиш кераклигини таъкид-лайди. Шунингдек, кенгашда Т.Усмо-

ҳўжаевнинг «Болалар боғчисида жисмоний машғулотлар ва ҳара-катли йиллар» номи қўлланма-си кўриб чиқилди. Яна Л.Муминовнинг ҳам «Махсус мактабгача таълим муассасаларида олиб бо-риладиган таълим-тарбия ишлари-номи методик қўлланмаси муҳо-камага қўйилди. Кенгаш аъзола-ри тавсия этилган қўлланмалари батафсил ўрганиб чиқиб, турилган саволларга муаллифлардан жавоб олиши ва ўз тақлифларини кири-тишти. Энг сўнгида аъзолар ва илмий-методик кенгаш раиси

Насиба ЭРҲОНОВА, «Ma'rifat» мухбири





# КУНФИРОК ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

Муҳаддас сўзлар ичида **Китоб** деган сўз ҳам бор. У юракларни юракларга туташтирувчи, одам руҳини ўз кайфиятига солувчи, қалбга ажойиб силсилалар, ақлга қудрат беришни воситадир. Китобга ошно бўлган одам ўз умрини чиройли ўтказишга, одамлар билан азгулик тилида сўзлашишга ҳаракат қилади.

Одамнинг юрагига гашлик солади. Ранглири унқиб кетган, хона томидан чакка томганидан сарғайиб кетган китоблар кўнглингни бир гаш қилса, ўқувчисини кутавериб, интизорликда ранги «сарғайиб» кетган китобларни кўриб юрагинг минг марта гаш бўлади. Китоб сонини кўпайтириш учун ушлар турилган, аллақачон абадийгавонидан тўшиб кетган китобларни кўриб, жойлардаги шу ишга масъуллар нахотки хар кунни чоп этилаётган янги-янги китобларни кўрмаётган бўлса, деб ажабланасан.

зулий яхши китоб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда ундан бошимни ололмас эдим». Китоб ана шундай яхши дўст. Унга кўпроқ ёлғиз қолганларингда, чорасиз қолганларингда, ғамда қолганларингда зор бўласан. Одамларнинг жуда кўп яхши кўнглири одамга китоблар омад, қувонч олиб келиши, шубҳасиздир. Одамзот ибтидосидан буён яратиб ишқидея яшади. Китоб деган нарсани бугунги мукамал ва содда кўринишига келтиргунга қадар неча аср меҳнат қилди экан, билмаймиз. Яратиш ишқи тинчлик бермаган одам сўзларини ҳайвон терисига, тошларга, ёғочларга ёзди, ўзича китоб яратди. То қозғ яратилгунга қадар ҳам одамзот тинч турмади. Шу боис ҳам китоб яхши дўстлар ичида яхши, беёминнат дўстдир.

## КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС

Ta'kid

ди. Китобларда яшамок саодатини тувсанг хар дам. Мумтоз шоиримиз Зебунисобегим шундай бир лутфли сўзни айтган экан: «Менинг ҳамма нарсам китобдир. Оилам ҳам, эрим ҳам, ҳатто жаннатим ҳам китобдир». Дунёда фақат китобга сўяниб, яшаб ўтганлар ҳам бор. Китоб ёлғизлигинда ҳамроҳ, ғамгинлигинда хабиб бўлади. Дунёнинг буюк илоҳлари ҳам моддий оламдан безганлариди, китоблар дунёсига шўниб кетганлари бежиз-га эмас. Барча илмпарвар, одил подшоҳларнинг саройлари қошида кутубхоналари бўлгани ҳам бежиз эмас. Одамзот китобсиз жонига айланади, китоблар нуридан баҳра олмаса, жаҳолат ичидея хароб бўлади.

Яқинда бир кутубхоначи аёл орғиниб қолди: — Ҳўжалигимиз раиси шу ҳўжаликдаги ағона кутубхоначи бўштиб берасан, деб кўймапти. Нима қиласиз десам, биз пилла курти боқисимиз керак, бошқа жой йўқ, деб айтди. Ана сизга раҳбар «маънавият», тарихдан маълумки, умрида кўлига китоб олмаган жонли одамлар не-не ҳикматга тўлиқ кутубхоналарни отхонага, молхонага айлантирганлар.

Бу дунёда юрагимизни ларзага солиб кўз ёшларимизни оқизган китоблар бор, руҳимизни осмон қилган, юзимизга қулғу берган китоблар бор ва шулар қатори гоёси бузуқлик, одамлар орасига нифоқ солишлик, разилликка тўлган китоблар ҳам бор. Мухими, эзуликин байроқ қилиб кўтарган, гоёси яхшилик бўлган китобларга ҳамроҳ бўлишдиқдир. Болалигимизда ёстигимизда остида асраганимиз, пода боқайтиб ҳам кўксимизга босиб асраганимиз, майсалар устида чалқанча ёзиб термулганимиз, хотирамизга сўзма-сўз ёлдатганимиз—азиз китобларимиздек, яқин дўстини умр-бод асрашимиз керак. Асақад Мухторда шундай сўзлар бор: «Китоб бойлик, фақат сотиб олингани эмас, ўқилган».

Шоир ким, шеър нима? Аслида бу савол янги гап эмас. Балки у шоир ва шеърят билан бирга тугилган бўлиб, хар бир давр иждоқорлари, адаббўшунслари учун муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Табиийки, бунга турли замонларда иждоқорларнинг ўзлари турлича таъриф таърифлар берган, катта маъно ва маъсулият юксатган. Шунинг учун бўлса керак, Аlisher Navoiy "кимда маъно гавҳари бўлса, ўша одам сўз дарёсининг гаввосидир", — деб лутф қилганлар.

Бир қарасам, кўзим очик кетгандайман. Қаранг! Эл назарида, доимо қувонч шодликларга бурканган, ҳаммаша диванларнинг тўрида, одамлар эъзолида, ғам-ташвишлардан ҳолдек кўринган шоир руҳияти ана шундай ҳаммаша ўқис ва безовта. Шунинг учун айтган бўлса керак-да, шоир «кеча қувонч беҳиштада шаханшоҳ бўлсам», бугунги кун «қайғусида қарвонбошиман» деб. Лекин бу, шоир фақат қундалиқ турмуш ташвишлари билангина яшайди, деган гап эмас. Аксинча, чин маънодаги шоир одамларни ҳаммаша ўйлантириб, хайратларга солиб келаятган жумбоқли бу олам сирлари, инсон ва унинг ички дунёси, ҳаёт ва ўлим тўғрисида ўйларга толеди, унинг ички моҳиятини очига интилади. Бу азалий ва абадий муаммоларнинг мағзини чақис учун гоҳо хаёлан осмон фалакларга кўтарилса, гоҳо ерга тўшади. Ахир бу оламни кезиб, ундан хайратларга тушади.

Шоир амалий жиҳатдан ҳаётда хар қандай зарри бору зулурларин танобини тортиб, азгулик душманларини йўқотиб, машаққатли қийинчиликларни енгиб, ҳатто «гурларни ҳам чайқалтириб», яхшилик учун жисмонан кураша оладими? Албатта, йўқ. Ама шоир шундай куч-қудратга эгаки, у ўзининг маънавий етуклиги, ҳақиқатпешалиги, ўтли нафаси, қилиш қалбини ўртовчи тўғрили хис-туйғулари билан одамлар кўнглига қира олади. Уларнинг ўйларини, фикру зикри, тушунича ва қарашларини, ишонч ва эътиқодларини ўзгартира олади. Шу маънода шоир нафаси сезилмай таъсир қиладиган шифобахш маълумат ўқшади. У қилишлардаги хар хил тушунлиқ, умидсизлик, яшаши ишонсизлик ва кўнгли ҳафсаласизлик «дарди га ёлқинчи нафаси — шеърятини билан «беом» ни руҳан қувватга киритиб инсон қалбини тозалайди, ҳаётга меҳр-муҳаббат хиссини уйғотади, уни ишонч билан яшашига

## ШОИР КИМ, ШЕЪР НИМА?

Шоир кишига ҳаёт ва яшаш ҳақидагина сабоқ бермайди. Энг аввало, шоир инсонлар қалбини поклашга, унинг руҳий оламини гузаллаштиришга, одамларнинг жонли жонидея азгулини камол топтириш, ёвулик иллатларидан фориг этишга, бошқача айтганда, барқамол инсонни тарбиялашга, уни маънавий етуклика эришишга ундайди.

Бу шеърдан, хусусан, ушбу мисралардан шоир ватани ва халқининг шонли ва ҳасратларга бой ўтмишидан қалбидея хайратлари дарёдай тўлиб-тошган мисралар шеърхонда ҳам гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Шу билан бирга бу юртининг, заҳматқаш, фидойи халқининг фарзанди бўлиб яралгандан фахр туйғуларини туйди. Шу юрт, шу халқига муносиб фарзанд бўлиб яшаш маъсулиятини чуқур хис этади. Шоир қалбидея жўш урган хайрат китобхон руҳиятига ҳам кўчади.

Алишер Навоийнинг «Хайратул-аббор» достонидея «қоф» ва «нун» харфларидан қўшма «кун» сўзи вуҷудга келди. «Кун» арабча — «ярат», «ижод қил» маъноларини билдиради, дейилади. Кўришиб турибдики, «ижод қилиш» жамики жонзотлар орасидея фақат инсонгагина насиб этган ҳолат. Шундай экан, Яратиш, иждоқ қилиш сўзларининг замирида, ўйлаш, фикр юритиш, англаш ва хис этиш, тасаввур қилиш каби ботиний маънолари ҳам мавжуддир. Алломаларимиз уқдирганларидея, шоир ва умуман, инсон Оллоҳи таоло яратган улкан олам ичидеяги кичик оламдир. Бу оламнинг сирлилиги шундаки, унинг ички дунёсини ниҳоятда ранг-баранг, ойу қўвшадай нури ва ҳароратли. Бир қарасанг, чангу тўзонлар орасидея, қарам-қаршилик ва эҳтиётлар, сел қолдирган вайронлар ичидея яшайди. Яна бир қарасанг, бахт ва бахтсизлик, ғам ва шодлик унга ҳамроҳ. Шу маънода шоир юраги доимо «доғли» «харобазор»дай вайрон, гоҳо эса, хаёлан ҳам этиб бўлмас юксатликларда хайрат билан яшайди.

Шоирнинг ана шу қисматида истеъодли шоир Абдулло Орипов «қуон ичидея унган бир даҳанг», — деб таърифлайди-де, бошқа бир ўринда унга шундай шарҳ беради: **Бир қарасам, бу дунёда бахтим бордай, Бир қарасам, бутун олам менга тордай. Бир қарасам, муродимга етгандайман,**

Катрада олам акс этганидек, олам манзаралари, еру осмондаги борлиқ мавжудот инсон қалбидея ўз акс-содосини қолдиради. Улар инсоннинг ақл ва руҳиятида янгиладан унйб-ўсиб, янги бир олам вуҷудга келди. Улар қилишларда қувонч шодликлар, қайғу ва ҳасратларга йўғурган хис-туйғуларини уйғотади. Шуруини жонбушларга келтириб хайратга солади. Шоир қалби ва ақли ана шу хайратга фарқ бўлган нуқтада шеър пайдо бўлади шекили. Алишер Навоий... «Тулшанда гуллари саф тортиб очилиб туриши бу — назм...» — дейди. Улуғ шоирнинг шеърини гулга қиёс қилишида катта маъно бор. Чунки гулзорда гулларнинг барқ уриб очилиб туриши бир мўъжиза. Фикр уруғининг шоир қалбининг туб-тубидея хайрат туйғусига йўғуриб, унйб шеърга айланиши ҳам кўнгли мўъжизасидир. Бунга мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, қуйдаги мисраларга бир дақиқа эътибори қаратайлик:

Ma'rifat  
ТАЪСИС  
ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ таълими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта  
маҳсус таълим вазирлиги, Тоълими ва  
фан ходимлари касоба уюшмаси  
Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Халим САИДОВ  
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар  
БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Шукур ЖОНБЎЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб),  
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,  
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар  
ТҮЙМАНОВА, Нураан УСОМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ,  
Ўткир ҚОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат  
Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь  
1998 йил рўйхатга олинган.  
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0025.  
Тиражи 19156. Г.1 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2  
Навбатчи муҳаррир:  
Қурьонбой МАТҚУРБОНОВ,  
Навбатчи:  
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиб таҳририят руҳсати  
билан амалга оширилиши шарт.  
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.  
© белгиси остида расмла материаллари берилади  
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-57-89, олий таълим янгиликлари  
бўлими, мактабгач ва мактабдан танқарни таълим янгиликлари бўлими  
— 136-55-58, хатлар, маълумий ва сўбсий ҳаёт янгиликлари бўлими —  
136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчилари касба-  
ға йўналтириши ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03,  
реклама ва тарбиёт бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоиси сотувда эркин нархда  
Pentium IV компьютериз  
Лилия БИНАШЕВА ва Милоҳат ТОШОВА  
сатфаллади.  
«Шарқ» нарийёт-матбаа акционерлик  
компанияси босқончаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турк» кўчаси 41-уй  
Босишга топириши вақти—21.00.  
Тоширилади —21.00

## NUQTAI NAZAR

Боболардан сўзладим,  
аммо  
Бир зот борким, баридан  
суюк:

Буюкларга бахш этган даҳо,  
Она халқим, ўзинган буюк.  
Сен ўзинган, энг сўнги  
нонин  
Ўзи емай ўлғига тутган.  
Сен ўзинган, фарзандлар  
шонин  
Асрлардан опичлаб ўтган.  
Она халқим, жон-танним  
маним,  
Ўзбекистон, Ватаним  
маним.

## МУБОРАК РАМАЗОН ТУҲФАСИ

Тузувчи: Давронбек  
ТОЖИАЛИЕВ



## ЧИДИРМА

Чилдирмангни чал, ўғлим,  
Чил-чил бўлиб кетмаси.  
Омонат шу умримиз  
Адоғига етмаси.

Чилдирмангни чал, ўғлим,  
Қалб яйрасин, дил қулсин!  
"Бака-банг"ми, "така-тун"  
Ур, фарқи йўқ, ғам ўлсин!

Чилдирмангни чал, ўғлим,  
Минорлар ҳам титрасин!  
Эриб кетсин ер бирдан,  
Қорда чечак бутрасин!

Чилдирмангни чал, ўғлим,  
Қир-адирга чиксин эл.  
Сойда сувмас, жон оксин,  
Жўшса-жўшсин бўлиб сел.

Чилдирмангни чал, ўғлим,  
Кўнгли торин тигласин!  
Оҳангига маст бўлиб,  
Мавлавий ҳам йиғласин!

Чилдирмангни чал, ўғлим,  
Қушлар кўнсин бошингга!  
Қаққус куйиб, қул бўлсин,<sup>2</sup>  
Қизлар келсин қошингга!

Чилдирмажон, чилдирма,  
Сулуварни жилдирма!  
Ўғлим ўсиб, бўз бўлди,  
Бир қизни қил "илдирма".

## CHILDIRMA

Султон МУРОД

<sup>1</sup> Мавлавий, яъни Жалолиддин Румий рақс билан зикр  
тутган, асар шеърларини шу ҳолатда ёздаки айтган.

<sup>2</sup> Қаққус — афсонавий қуш. Ривоятга қара, у умр  
буйи ўтин йиғиб, ҳаёти охирида ўзи йиққан хирмон  
устига чиқиб, шундай бир нолали сайрай экани. Ўша  
навосидан ўтлар чиқиб кетиб, ўша оловда ўзи ҳам куй-  
иб қул бўлар экан, қулдан яна ёш қаққусбача пайдо бўлар  
экан.

## УМД БИЛАН КУТАМАН ХАР КУН

Умид билан кутаман хар кун,  
Бахш айлабон умрим парчасин.  
Бергум унга энг ёруғ мазмун,  
Ёд этганча дўстлар барчасин.

## ХАР ЛАХЗАДАН БАХРА ОЛАЙЛИК

Хар лахзадан бахра олайлик,  
Ўтаётган шу азиз дамдан.  
Эзгу амал, соғинч кутайлик,  
Меҳри дарё хар бир одамдан.

## БИТИРУВЧИЛАРИМГА

Мактаб деган шул азиз макон,  
Кучоғида минг-минг полапон,  
Ўтган йиллар айтмоқда баёт,  
Сизни чорлар мустақил ҳаёт.

Янграр буюк сўнги кўнғирок,  
Қалбга солиб ҳаяжон, титрок,  
Қаршимдаги бу чакноқ кўзлар,  
Олис, юксак довонни кўзлар.

Хаяжонда шу дам юрагим,  
Дилдан тошар қайноқ тилагим.  
Қалбингизга ёнсин аланга,  
Фарзанд бўлинг азиз Ватанга!

Улбусин ТИЛУВБЕРГЕНОВА,  
Беруний туманидаги 47-мактаб  
ўқитувчиси

## ХУЛЛАС...

УДДАБУРОН  
СУВДАН ҚУРУҚ  
ЧИҚДИ

Биробиджон бозорида сотилаётган замбуруғ турнақатор навбат. Сотувчи йигитнинг қўли-қўлига тегмайди. У «яхшигина даромад орттирадиган бўлдим» дея хурсанд. Аммо, эртаси кунни ҳангоманинг қизиги бошланди. Кимки, ўша замбуруғдан сотиб олиб истеъмол қилган бўлса, галлюцинация ҳолатига тушиди. Яхшиямки, шифокорлар уларнинг жонига оро киришди. Уддабурон бу замбуруғларнинг шифобахш хусусиятига эга эканлиги ҳақида эшитиб, уни атайлаб ўрмондан териб келтирган ва мақсади озгина даромад орттириш эди. Лекин, бу аксинча бўлиб чиқди. Шифокорлар замбуруғнинг инсон соғлиғи учун ўта хавфли эканлигини аниқлашди. Кўпчиликнинг соғлиғига хавф тугдиргани учун тадбиркор йигит қонунга мувофиқ ҳазолашиши лозим эди. Бахтга қарши, Яхдуий автоном вилояти «Жинойят кодекси»да захарли кўзқорлар савдоси билан шуғулланганлик тўғрисидаги қанчалар йўқ эди. Шу боис, уддабурон сувдан қуруқ чиқди. Хулоса қилиб айтганда эса, бу адолатдан эмас.

## ЎЗИМИЗДА БЎЛГАНИДА «ЙЎЛЧИБОЙ» ҚЎЯРДИ

Шахар атрофидаги қишлоқдан чиққан автобус Одессага жуда ақинлашиб қолди. Хар кимнинг хар хил таъшиши бор. Ким билсин, ойкунни ақин Вероника Довган Одессага нима учун кетаётган экан?

Кутилмаганда аёлни тўлғоқ тута бошладди. Бу азобни фақат аёл зоти-гина хис қилсин... Вероника шаҳарчага ета олмаслигини, фарзанди беш-ўн дақиқа ичидея дунёга келишини хис қилиб турарди. Харқанд тилини тишига қўйма-син, орғиқ жонини суғуриб олгудек бўла бошладди. Йўловчилар қандай ёрдам кўрсатиш кераклигига ҳайрон. Автобусда стоматолог ҳам бор эди. У зудлик билан ишга киришди. Ярим соатнинг нари-берисидея чакалоқ дунёга келди. Автобус Вероникани Одесса шаҳри туғруқхоналаридан бирига элтиб қўйди. «Боланинг ва онанинг аҳоли яхши. Стоматологни беёминнат ёрдами учун олқишлашимиз керак. Ахир автобусда аёлни тугдирган катта жасорат», дейди туғруқхона бош врач и бу воқеа ҳақида журналистларга интервью бера туриб.

## ЎҚУВЧИ — ЧЎҚИНИРУВЧИ ОНА

Волгограддаги гимназиянинг 7-синф ўқувчиси Маша Радькина янги туғилган мушукчаларнинг чўқинтирган онаси, дея тан олинди. Бундан роппа-роса бир ой муқаддам туғилган ола-була мушукчалар «сафарин» ҳайвонот боғида катта шов-шувга сабаб бўлди. Чунки, улар бу ерга гастролга келган она мушукнинг болалари эди.

## ана shunaga gaplar

## Ma'rifat

Ma'rifat  
ТАЪСИС  
ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ таълими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта  
маҳсус таълим вазирлиги, Тоълими ва  
фан ходимлари касоба уюшмаси  
Марказий Кўмитаси.